ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 129 (7. 218) 1990 йил 7 июнь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини тамомлади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

6 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Мажлис бошланиши олдидан делегатлар Намойишлар хиёбонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Эрталаб соат 10 да очилган мажлисда саноқ комиссиясининг раиси В. Н. Сигедин Ўзбекистон Компартияси марказий органларини сайлаш натижаларини эълон қилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайлови бўйича ёпиқ (яширин) овоз бериш натижалари тасдиқланди.

Съезд КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссиясига тавсия этиладиган номзодлар юзасидан таклифларни тасдиқлади.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига КПСС XXVIII съезди якунларини ва унда қабул қилинадиган қарорларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР XXII съезди делегатларининг ваколатларини сақлаб қолган ҳолда съезд ишини давом эттириш имкониятини кўриб чиқишни топширди.

Делегатлар 6 июнда очиладиган Қозоғистон Коммунистик партиясининг XVII съездига табрикнома юбордилар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлимнинг сектор мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.



⊙ Делегатлар Ўзбекистон Компартияси XXII съезди резолюция матни билан таништмоқдалар.

ЎзТАГ сурати.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сайланган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби ва Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ж. Ҳамидов, Р. А. Попов, А. И. Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари ва Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Р. Д. Берков, М. И. Иброҳимов, Ҳ. А Исамуҳамедов, С. Мамарасулов, Р. Маматова, Ш. Р. Мирсандов, С. Д. Ниетуллаев, А. И. Фозилбеков Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларини тузди ва уларнинг раисларини тасдиқлади: А. С. Ефимов Ташкилий-партиявий ишлар масалалари комиссиясининг раиси, Ж. Ҳамидов Мафкура комиссиясининг раиси, М. И. Иброҳимов Ҳуқуқий масалалар комиссиясининг раиси, Р. А. Попов Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси, А. И. Икромов Аграр сиёсат масалалари комиссиясининг раиси бўлди.

Пленум республика газеталари ва журналларининг муҳаррирларини тасдиқлади: Р. Раҳмонов «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири, Р. А. Сафаров «Правда Востока» газетасининг муҳаррири, Ш. Ниёзов «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, Н. А. Умеров «Ленин байроғи» газетасининг муҳаррири, А. Ғ. Мухторов «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири, Ч. А. Абутолипов «Ўзбекистон Коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг бош муҳаррири, Б. Юсупов «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош муҳаррири бўлди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, шу бўлим секторининг мудири Н. И. Семёнов қатнашдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

6 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди.

Пленум Ш. М. Йўлдошевни Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясининг раиси ва президиум аъзоси қилиб сайлади.

И. П. Алесич Назорат-тафтиш комиссияси раисининг биринчи ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.

Э. Р. Иноғомов Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ва президиум аъзоси қилиб сайланди.

М. Э. Абдусаломов, Н. П. Арсентьева, Э. Ж. Боқибоев, И. А. Бибиков, Б. М. Капитонов, М. М. Мирқосимов, Н. А. Муҳиддинов, К. Неъматов, М. М. Расулов, И. И. Федоринов Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси президиумининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари ва Бюро аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев 5 июнь куни Москвага қайтиб келди. У АҚШ ва Канадага давлат ташрифи буюрган эди.

М. С. Горбачевнинг сафарида ҳамроҳлик қилган СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари Ю. Д. Маслюков, Е. М. Примаков, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин у билан бирга қайтиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни СССР давлат ва сиёсат раҳбариятининг аъзолари — Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Т. И. Усмонов, И. Т. Фролов, Ч. Айтматов, В. В. Бакатин, В. И. Болдин, Г. И. Ревенко, В. А. Ярин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Жойс, Канаданинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Д. Тейлор бор эдилар.

(ТАСС).



⊙ ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегати — «Учқун» тўқимачилик-аторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадасининг бошлиғи Зуҳра Абдуллаева бугун қадрдон корхонасига келиб, дугоналари билан яна ишга киришди. У ҳамкасабаларига Ўзбекистон коммунистларининг анжуманидан олган дастлабки таассуротларини завқ-шавқ билан сўзлаб берди.

СУРАТДА: Зуҳра Абдуллаева.

Т. Каримов сурати.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

ЖИҲОЗЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

⊙ **ТОШКЕНТ «Подъёмник» заводи жамоаси тайёрлаётган маҳсулотларга талаб ва қизиқиш хорижий мамлакатларда ҳам ортиб бормоқда.** Бу жамоа аҳлига катта масъулият юклаб ишлаб чиқариш қўламини оширишни талаб қилади. Бу соҳада ҳам корхонада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

БУГУН корхонанинг янги механика бўлими фойдаланишга тахт қилиб қўйилиб, айни кунларда жиҳозлаш, ускуналар ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ўрнатилаётган ускуналар Иттифоқимиз ускунасозлик корхоналари ва ГФР мутахассислари тайёрлаган автомат ва ярим автомат ускуналари ўрнатилмоқда.

ЭЛГА МАНЗУР

⊙ **ТОШКЕНТ «Геология-қидирув» тажриба заводи жамоаси томонидан тайёрланаётган кенг истеъмол буюмлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.**

Бу ерда якка тартибдаги уй-жой қураётганлар учун дарвоза, гараж, балкон, панжара ва металл сейфлар тайёрланмоқда.

Шунингдек корхонада хотин-қизларимиз учун турли безаклар, пластмасса зираклар тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, корхона жамоаси шахсий автомобиль эгаларини ҳам унутгани йўқ. «ТГ—12» маркали автомобиль безаклари термаси аҳолига манзур бўлмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

КАТТА ЭЪТИБОР

⊙ **ТОШКЕНТ тажриба-механика экскаватор таъмирлаш заводи жамоаси пахтакор сув хўжалиги бошқармаларига турли машиналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бирга халқ истеъмоли буюмларини тайёрлашга катта эътибор бермоқда.**

Корхонада рўзғорда қўлланиладиган ўн бешдан ортиқ маҳсулот тури тайёрланмоқда. Ҳаммом жиҳозлари, шиша идиш қопқоқлари шулар жумласидандир. Шунингдек корхона жамоаси клёнка дастурхонларининг икки тури ва бир неча хил целлофан халталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Ой якунига қадар 14 минг 800 сўмлик истеъмол буюмлари чиқаришга аҳд қилишган.

Д. ОТАЕВ.

ДАЛА ҲОВЛИ УЧУН

⊙ **ТОШКЕНТ электр механика заводи жамоаси халқ хўжалигини электр жиҳозлари, ускуналари билан таъминлаш, шунингдек, пойтахт аҳолисини кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни йўлга қўйишди.**

Бу ерда темир шкаф (сейф), айвонга каравотлар, ойна ва айвонлар учун панжаралар тайёрланади. Бугун корхона жамоаси харидорлар ҳукмига янги маҳсулот — дала ҳовли учун дарвозаси билан тайёрланган панжарани ҳавола этди. Жамоа шу кунга қадар 50 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлади.

Шунингдек, корхонада ташкил этилган «Йўлдош» ширкати автомобиль таъмирлаш ишларини бажаради.

Д. АСҚАРОВ.

Советлар ва қайта қуриш

Билимларга чанқоқлик

БУГУНГИ кунда энг зарур эҳтиёжлардан бири билимга чанқоқликдир. Биз демократияни ўрганяпмиз, ҳуқуқий турмушни ўрганяпмиз, тараққий этган жамиятнинг рисоладагидек қонунлари асосида яшашни ўрганяпмиз. Аммо бугунги кунда оромимизда шундай кишилар тоифаси борки, улар учун билимларнинг ранг-баранг турлари—ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, ижтимоий соҳалардаги билимлар ғоятда зарур бўлиб, ўз ишларини муваффақиятли адо этишнинг ажралмас, зарур шарти ҳисобланади. Булар — бизнинг депутатларимиз, ўзларининг қонун ижод қилиш фаолиятлари билан мамлакатни кризисдан олиб чиқишга, ҳаммамизга ақл-идрок қонунлари асосида яшаш имконини беришга даъват этилган кишилардир.

Ҳокимиятни Советларга бериш жараёни бошлаб юборилди. Тўғри, ҳозир у энди атак-чечак қилмоқда. Бу йўлда махсус, «депутатлик» маълумоти олиш мамлакат, республика, шаҳар, район ҳокимиятларидаги ҳозирги вакиллар учун ана шу йўлда ғоятда муҳим ҳисобланади.

Чамаси, ҳозирги сайловлар олдинги сафга маълумотли, билимдон кишиларни илгари сурди. Уларнинг ақл-заковати, давлат миқёсида ўйлаш ва ҳаракат қилишга лаёқатли кишилар эканлигига ишонамиз, албатта. Бундан ташқари, уларнинг кўплари ўз устида ишлаш билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Бунинг учун ҳам ҳозирги пайтда қизиқиш ва истак бўлса имкониятлар тўлиб-тошиб ётибди.

Зотан, Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессиясидаёқ ўқиш истагини билдирдилар. Тошкент шаҳар Советининг президиумига тан бериш керак: депутатларнинг ўқувини ташкил этиш масаласи унинг дастлабки мажлисларидан биридаёқ муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари А. В. Гончарова, Тошкент шаҳар Советининг ташкилий Совет ишлари ва доимий комиссиялари бўлимининг мудири Р. Д. Курбонов ва шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти раисининг ўринбосари О. Е. Мироқиловаларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан «Билимлар уйи»да май ойи ўтказилган Тошкент шаҳар Совети депутатларининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олти кунлик ўқуви ташкил қилинди.

Машғулот ва лекцияларнинг дастури шундай тарзда тузилдики, депутатларни қизиқтирган барча мавзулар—иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, маданият, ҳокимият органлари фаолиятининг принциплари, тузилишлари ва нормалари каби мавзуларни тўла қамраб олишга ёрдам берди. Депутатлар ҳузурида Тошкент шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети, вазирликлар, идоралар, хизматларнинг раҳбарлари, юристлар, психологлар, иқтисодчилар сўзга чиқишди. Шу жумладан ҳозирги ўзгарган шароитларни, ҳокимиятни Советларга беришни ҳисобга олиб, халқ ҳокимиятининг мустаҳкам механизмини ишлаб чиқиш масаласи энг муҳим масала ҳисобланади. Шунинг учун биринчи куниёқ депутатлар ҳузурида Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари А. В. Гончарованинг сўзга чиққани бежиз эмас. У шаҳар Совети ва унинг ижроия комитетининг фаолият доираларини аниқлаш ва уларнинг тузилишлари ва вазифалари тўғрисида гапирди. Олдиндан шуни таъкидламоқчимизки, кўпгина биринчи марта сайланган депутатлар (янги таркибда — улар 70 фоиздан кўпроқни ташкил этади) учун ўқиш аппарат билан ўз муносабатларини тўғри йўлга қўйишга ёрдам берди. Агар улар дастлабки пайтда сайловчиларнинг наказларини бажариш асосан шаҳар Совети ижроия комитети, юқори органлар ходимларига боғлиқ деб ҳисобланган бўлсалар, кейинчалик ўз уларнинг кўпчилиги шунга комил ишонч билдирдиларки, тадбиркорликни ўз қўлларига олишлари лозим, ялиниб ва шунчаки бўлиш керак эмас. Кўпчилик қонунчи бўлиш кераклигини, шу йўлдаги бутун сиёсатни юксак вазифалар даражасида шакллантириш ва олиб бориш улар зиммасида эканини англадилар. Шаҳар Совети сессиялари қарорларини бажариш эса бу ижроия комитет вазифасидир. Унинг майда-чуйда ишларига аралашмаслик лозим. Бу соҳада нимадир кўнгилдагидек бўлмаса, бунинг учун масъулиятни депутатлар ўз зиммаларига олишлари керак. Ахир, ижроия комитет таркибини уларнинг ўзлари тасдиқлашган-ку.

Тошкент шаҳар Совети депутатларининг олти кунлик ўқуви асосий якунларидан бири ҳам шу бўлди. Бунга олимлар, мутахассисларнинг чиқишлари катта ёрдам берди. Масалан, Тошкент олий партия мактаби совет қурилиши кафедрасининг мудири А. Н. Михайловнинг СССРда сиёсий система ислоҳоти тўғрисидаги, ТошДУ юридик факультетининг доценти В. Н. Стаськонинг мамлакатда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик юритишнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун ҳақидаги, ТошДУ юридик факультетининг кафедра мудири З. Р. Бовшоверннинг ҳозирги босқичда совет меҳнат қонунчилиги тўғрисидаги ва бошқа лекциялар шулар жумласидандир. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги малака ошириш институти кафедра мудири А. Файзуллаевнинг «Шаҳсларо мулоқот санъати, Кўпчилик олдида сўзга чиқиш психологияси» тўғрисидаги лекцияси айниқса катта қизиқиш уйғотди. Депутатлар учун сайловчилар олдида ҳам, ўз ҳамкасблари олдида ҳам, раҳбарлар билан суҳбатлашганда ҳам оқилона, руҳий жиҳатдан аниқ сўз юритиш қанчалик муҳимлигини тушуниш қийин эмас. Лекциялар чоғидаги кичик «амалий ўйинлар» бу санъатни эгаллаш зарур эканлигини ёрқин намоён қилди.

Машғулотлар пайтида сайловчиларнинг наказларини ва депутатлик сўровларини адо этишнинг муаммо ва йўлларига бағишланган қимматли маълумотлар олинди. Ўзбекистон ССР Олий Совети аппаратининг бўлим мудири Э. Э Чудновский, А. В. Гончарова, Р. Д. Қурбонов лекцияларида депутатлар, айниқса биринчи марта депутат бўлганлар ўзлари учун масалан, депутатлик сўрови нималардан иборат эканлигини аниқлаб олдилар. Уларнинг кўплари учун бу нарса янгилик бўлди. Ахир, бу депутатлик ишларининг ўзагини ташкил этади-да.

Ўқув дастури бир қатор шаҳар хизматлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг лекцияларини ҳам ўз ичига олди. Масалан, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети монлия бошқармасининг бошлиғи Н. К. Мусаев, шаҳар бош архитектори С. Р. Одилов, шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев, шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи В. Л. Штейнберг, республика ижтимоий-таъминот министрининг ўринбосари Н. Н. Назиров, Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Р. Ф. Файзуллаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи С. Ҳ. Алимхўжаев, шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. А. Мираюпов ва бошқа кўпгина кишилар ўз бўлинмаларининг ишлари, муаммо ва истиқболлари ҳақида гапириб бердилар.

Бу ерда бир хусусиятни таъкидлаб ўтиш керак: бу лекциялар худди монологларга ўхшаб кетди. Депутатлар имкониятдан фойдаланиб, суҳбатни жонлантириб юбордилар, қизиқарли баҳслар бўлиб ўтди. Шаҳарда етилиб турган кўпгина муаммолар муҳокама этилди. Бироқ хизмат бошқармаларининг раҳбарларига баъзан «ўз сайловчиларимнинг наказларини»ни бажаришга тааллуқли бўлган шахсий саволлар ҳам берилди. Уларнинг саволларига жавоб бердилар, албатта. Тўғри, уларни ҳам тушуниш мумкин. Негаки, сайловолди дастурларида улар магазинлар қуриш, кўчаларни ёритиш, янги автобус йўлларини очиш ҳақида ваъдалар беришган эди. Аммо, чамаси, бу масалаларни ҳал этиш учун бу ер ўрни ва вақти эмас эди. Бизнингча, бундай шароитда аниқ, оқилона ва пухта жавоб беришга умид қилиш соддадиллик бўлур эди. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳамма раҳбарлар ҳам саволларга жавоб беришга тайёр эмас эканлар. Масалан, ўз хизмат бўлимлари ишларини яхшилаш, яна'да тараққий эттиришнинг бус-бутун йўлларини ишлаб чиқиш юзасидан берилган саволларга жавоб беролмадилар. Бу эса Тошкент шаҳар Совети депутатларининг қалбида из қолдирмай ўтмади. Кишилар тўғрисидаги таассуротлар қалбларида муҳрланиб қолди. Ҳолбуки, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ахир, ана шу кишиларга боғлиқ-ку. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети доимий комиссияларининг аъзолари эдилар. Демак, улар шаҳар бошқарма ва хизмат бўлимларининг раҳбарлари билан узвий алоқада иш олиб боришлари керак. Бундай учрашувлар эса кишиларнинг аниқ соҳаларда вазият қандай эканлигини ҳисобга олиш ва кишиларнинг ишчанлик ва шахсий сифатларини билиб олиш имконини берганн бир жиҳатдан фойдали ҳам бўлди.

Кўпчилик томонидан маъқулланган амалий, аниқ таклифлар киритилди. Масалан, тушаётган молларни тақсимлаш устидан назорат системасини такомиллаштириш бўйича таклиф тушди. Бу таклифларнинг ҳаммаси ёзиб олинди, доимий комиссияларда улар таҳлил этилиб, ишлаб чиқилгандан кейин имкониятига қараб амалга оширилади. Шундай қилиб, депутатларнинг фаоллиги муайян даражада ошганлиги ўтказилган ўқув ижобий натижа берди деб ҳисоблаш мумкин. Умуман шу олти кун ичида бирон киши ҳам куним бекор кетди деб ҳисобламади. Залда ўтирган ишчилар, муҳандислар, партия ходимлари, ўқитувчилар, одимларнинг ҳар бири ўзи учун ўтказилган лекция, суҳбат, баҳслардан кўпгина фойдали нарсалар олди.

Мана, депутатларнинг бу ҳақдаги бир неча фикрлари:

Ю. Б. Казаринов, Киров район партия комитетининг иккинчи котиби:

— Ўқиш, ўрганиш ҳамиша фойдали. Олий партия мактабини битирган бўлишим ва бир неча бор депутат этиб сайланганимга қарамай бу сафар ҳам катта қизиқиш билан «ўқидим». Шахсан мен учун бу ўқиш кўпгина нарсаларни муайян системага солишга имкон берди.

С. Д. Жубаев, шаҳар молия бошқармасининг иқтисодчиси:

— Менга айниқса ҳуқуқий мавзулардаги лекциялар ёқди. Улар кўп нарса берди. Бундан ташқари ўқув менга бошқа депутатлар билан яқинроқ танишиш имконини берди. Мен биринчи сессияда қатнашмагандим, чунки такрорий овоз беришда, 22 апрель куни сайланган эдим. Кўпгина масалаларнинг муҳокамаси шуни равшан кўрсатдики, одамлар лоқайдликни тарк этмоқдалар, ўзларига ишончлари ошмоқда. Уйлайманки, раҳбарлар билан мана шундай учрашиб туришларни кейинчалик ой сайинга айлантириш ҳамда бундан доимий комиссиялар ишида фаолроқ фойдаланиш лозим. Ўшанда бу ҳам ўқиш, ҳам амалий иш бўлади.

В. Л. Донсков, Сергели бирлашган авиаотряднинг катта штурмани:

— Бу ўқиш — жуда керакли нарса. Ахир, кўпчилик депутатлар шаҳар депутатлигига биринчи марта сайланганлар-да. Ҳуқуқий масалалар, психология, депутатлик сўрови бўйича ўқилган лекциялар жуда фойдали ва қизиқарли бўлди. Мутасадди раҳбарлар билан учрашув эса кўпроқ шахсий масалаларга бағишланиб қолдики, бу депутатларнинг тажрибасизлигидан деб ўйлайман.

Хоҳловчи гуруҳлардан иборат марксизм-ленинизм университининг совет қурилиши факультетини очиш режалаштирилди. Аммо менимча шаҳар Советига керакли малакаларни мустақил равишда пухта эгаллаган қобилиятли кишилар сайланибди. Марксизм-ленинизм университетидаги машғулотлар эса менимча кўп вақтни олиб қўяди. Демак «думалоқ стол» атрофидаги учрашув шаклида депутатлар ўқувини ўтказиш, савол ва жавоб кечаларини ўзига хос тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқроқдир. Ахир биз, депутатлар саволларимизга зудлик билан жавоб олишни истаймиз-да. Жавоб олганда ҳам у тўла-тўкис ва бизни қизиқтираётган ахборотларга бой бўлиши, ва сайловчиларимизнинг саволларига ҳам жавоб бериши керак. Умуман эса яна такрор айтаман, ўқиш менга ёқди, фойдали бўлди.

Б. А. Литвинов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг муҳандис-конструктори:

— Бу ўқиш менинг назаримда яхши ўтди. Афсуски, иш билан бандлигим туфайли барча олти кундаги машғулотларда тўла қатнаша олмадим. Шунинг учун бундан кейин бундай ўқишларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда шундай ташкил қилиш керакки, токи кўплаб депутатлар ҳам ўзлари учун, ҳам ҳамкасблари учун зарар етказмасинлар. Эҳтимол, машғулотни ҳафта охирида бошлаб, айтайлик, душанба куни ниҳоясига етказиш, яъни жума-шанба-душанбада ўтказиш тўғрисида ўйлаш керакдир. Ўшанда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш осонроқ бўлади.

— Депутатларнинг барча истакларини албатта келгусида ҳисобга оламиз, — деди А. В. Гончарова. — Чамаси, барча масалаларни қамраб олишнинг имкони бўлмади. Янада чуқурроқ ва кенгроқ билимлар зарур. Уқувнинг энг қулай шаклларини излаймиз. Масалан, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий қонунлар, муаммоларни ўрганиш курсларини ташкил этиш таклиф этилди. Марксизм-ленинизм доирилфунунида ўқиш ҳамма учун ҳам қулай шакл эмас. Демак биз бу ишни давом эттирамиз. Энди ҳар ойлик тематик, аниқ мақсадга қаратилган, раҳбарлар, мутахассислар билан депутатларнинг учрашуви энди мунтазам тус олади. Бу ҳақда ҳозирданоқ аниқ айтишим мумкин. Депутатлар бу учрашувларда фақат зарур ахборотларнигина олиб қолмай, балки ўзаро фикр алмашадилар...

Демак депутатлар илтимосига кўра ташкил этилган ўқиш самарали бўлди. Депутатлар фақат ўз билим доираларини кенгайтирибгина қолмай, ўзаро фикрлар алмашишди, кўпгина қимматли таклифлар айтишиб, шаҳар Совети фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича мулоҳазалар билдиришди. Бошқача қилиб айтганда, улар мана шу беш-олти кун ичида фақат ўқиб қолмадилар, балки ишладилар ҳам. Мана шу ишчанлик кайфиятй Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари ишида ҳам, сайловчилар наказларини бажариш борасида ҳам ва сессияларда ҳам сақланиб қолмоғи керак. Ахир ўқишдан мақсад ҳам депутатларнинг шаҳарда амалда ҳокимлик қилишларига ёрдам бериш-ку. Бунга асос солинди деб умид қиламиз.

Л. ПАРПИЕВА.

Хориждан хабарлар

● ҚОҲИРА. Миср президенти Ҳусни Мубарак Мисрдан қандайдир диний партия ҳар қандай баҳона билан пайдо бўлиши мумкинлигига мутлақо қўшилмаслигини айтди. У Миср рўзномачилари ҳузурида нутқ сўзлаб, буни миллат бирлигини ва конституцияни сақлаб қолиш муддаоси билан изоҳлади. Ижтимоий барқарорликка ёки миллий бирликка зарба беришга ҳар қандай уриниш эътибордан четда қолмайди, деди президент.

● БАЙРУТ. Ливан пойтахтининг христианлар яшайдиган шарқий қисмида қуролли муҳолифликнинг янги ҳужружи юз берди. Бу ерда олдин эълон қилинган яраш узоққа чўзилмади. Генерал Аунинг армия гуруҳлари ва «Ливан кучлари» ташкилотининг отрядлари Метн ва Кесруан даҳалари чегарасида, шунингдек шарқий Байрутнинг марказий қисмида ўт очишни тўхтатишга доир битимни тузадилар.

● БАҒДОД. Фаластин озодлик ташкилоти ижроқўмининг раиси Ясир Арафат Тель-Авив яқинида Исроил соҳилига муваффақиятсизлик билан тугаган қуролли десант туширишга Фаластин озодлик ташкилоти дахлдор эмаслигини айтди.

Я. Арафат бу ерда рўзномачилар билан суҳбатда гапириб, Фаластин озодлик ташкилоти бу ҳарбий тадбирга ҳеч қандай алоқадор эмаслигини ва бу тадбир учун жавобгар бўлмаслигини таъкидлади. У Фаластин озодлик ташкилоти террор усулларидан воз кечганлигини тасдиқлаб, ташкилотнинг бу масалага доир сиёсати ўзгармаганлигини айтди.

Советлар мамлакатида

⊙ ВЛАДИВОСТОК. Кечагина биз учун ёпиқ бўлган Жанубий Корея кемасозлик компаниялари совет денгизчиларининг янги шериклари бўлишди. Жанубий Корея устахоналарида Узоқ Шарқ денгиз кемачилигининг учта теплоходи халқаро талабларга мослаб қайта жиҳозланди. Энди уларнинг ҳар бирига яна 500 тадан контейнер юклаш мумкин. Юк ташишда бу ҳар йили қўшимча икки миллион сўмдан кўпроқ даромад келтиради.

⊙ МАРИ (ТУРКМАНИСТОН ССР). Бу ерда очилган савдо марказида қурилиш материаллари, хўжалик моллари, боғдорчилик-полизчилик анжомларини сотиб олиш мумкин. Туркманистонда «Уйжой-92» комплекс программаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Якка тартибда уй қуриш ишлари кенг йўлга қўйилган. Ўзига уй қураётганларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун жумҳуриятнинг кўпгина шаҳарларида ихтисослаштирилган дўконлар ва савдо марказлари очилмоқда.

⊙ ТУЛА. Шчёкинодаги «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий-ҳаваскорлик коллективининг бир гуруҳ иштирокчилари гастролга Польшага жўнаб кетдилар. Завод артистларини уларнинг ҳамкасблари — Валбжи воеводалигида жойлашган Белва шаҳридаги «Бельбав» корхонаси ходимлари таклиф қилишди. Икки меҳнат коллективи ўртасида алоқа ўрнатилганига анча бўлган ва бу алоқа ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома асосида ривожланмоқда. Шартномада фақат амалий ташрифлар, саёҳат ва соғломлаштириш сафарларигина эмас, шу билан бирга ҳаваскор артистларнинг ўзаро гастроллари ҳам кўзда тутилган.

⊙ СТАВРОПОЛЬ. «Ставропольские зори» бал рақси халқаро конкурсининг ғолиблари эълон қилинди. Ҳакамлар бригадаси Ғарбий германиялик Сабина Хармс билан Михаэль Шмидт жуфтлигининг маҳоратини бир овоздан энг юқори балл билан баҳолади. Иккинчи даражали диплом москвалик Елена Карамушко билан Александр Катаевга берилди. Учинчи совринли ўринни ГФРдан келган яна бир жуфтлик — Клаудия Фосс билан Томас Шлехусферлар эгаллашди. Катталар билан бир пайтда Ставрополь касаба уюшмалари маданият ва спорт саройида балл рақсининг бўлажак усталари — болалар хореграфия студияларининг тарбияланувчилари беллашдилар.

⊙ ЛИПЕЦК. Липецк трактор заводида украиналик олимлар лойиҳаси асосида яратилган газ тозалаш иншоотлари комплекси ишга тушди. Бу, шаҳардаги экология вазиятини соғломлаштириш имконини беради. Атроф-муҳитни муҳофаза этувчилар ҳаракати, уларнинг фикрича, мустаҳкам илмий-техник пойдеворга эга бўлгандагина зарур кўлам касб этади. Илгари, оммавий тадбирлар даврида шаҳарликлар минглаб туп кўчатлар ўтказишар, кейин эса бу кўчатлар заҳарланган ҳавода, кислотали ёмғирлар остида қуриб қоларди. Атмосфера ва сувнинг ҳолатини аниқ белгилаш учун кенг миқёсли жиддий тадқиқотлар ўтказиш керак бўлди. Ташаббускорларнинг кучғайрати ҳозир экология жиҳатидан хавфсиз деб бўлмайдиган ишлаб чиқаришлар фаолиятини назорат қилишга қаратилган. Маҳаллий матбуотда мунтазам эълон қилиниб турадиган экология кундаликлари кенг жамоатчиликни бефарқ қолдирмади.

⊙ ТБИЛИСИ. Колхида ерларининг ҳосилдорлик кучи яна тикланмоқда. Жумҳурият мелиораторлари Абаш районининг Сужун массивидаги ботқоққа айлана бошлаган қарийб олти юз гектар ерни қишлоқ хўжалик майдонлари учун ажратиб бердилар. Колхида паст текислигининг чўл ҳудудида яна субтропик деҳқончиликни, хусусан чой ва цитрус етиштиришни янада ривожлантириш давом этмоқда. Паст текислик ҳудуди қишлоқ хўжалигининг юқори даромадли анъанавий тармоқларига зарар етказмай туриб, масалан, озуқа тайёрлаш билан шуғулланиш учун етарли даражада кенгдир.

⊙ ХАРЬКОВ. Харьков трактор заводида АҚШга жўнатиш учун мўлжалланган 165 от кучига эга бўлган янги турдаги тракторлар туркуми тайёрлаб бўлинди. Американлик фермерларга техника етказиб бериш тўғрисидаги савдо битимини корхонада ташкил қилинган ташқи савдо фирмаси тузган. Экспорт операциялари жўнроқ ва тезроқ амалга ошириладиган қилинган. Шартномада кўзда тутилган муддатларга қатъий риоя этилмоқда: 20 та машина ишлаб чиқарилди, уларнинг ярми океан ортига жўнатилди. АҚШга шудгорлаш тракторлари етказиб бериш ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўпайди ва қарийб 100 агрегатни ташкил қилмоқда. Канада, Австралия, Франция, Испания, Финляндия сотиб олаётган тракторларнинг умумий миқдори икки баравар ошди. Давлат бюджетига ажратмалар ўтказилганидан кейин валютанинг деярли ярми завод ҳисобига тушади.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан)

Одобнома

СУХАНДОНЛИККА—ЖОН ФИДО

Ширин сўзлик шилгай душман пўстини,
Дағал сўзлик душман қилғай дўстини.

Шайх САЪДИЙ.

ИНСОН эзгуликка, буюк мақсадларига эришишда ҳамда дўсти-ёрларини бисёр этишда, ҳар қандай мураккаб муаммоларни ижобий ҳал қилишда сухандонлик бениҳоят кучга эга. Сухандонлик — инсон қалб мулкининг дуругавҳари. Шундай хислатлар билан ҳазрати Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абдулқодир Бедиллар халқлар ўртасидаги низоларни тинчитиб, уларни якдил қилганликларидан тарихлар шоҳидлик беради.

Доно халқимизда шундай ҳикматли ибора бор: «Сухандонлик саломдан, иш интизомдан бошланади». Дарҳақиқат сухандонлик салом билан бошланиб, шундай қудратли кучга айланадики, уни ёмон ниятидан қайтаради, ёпиқ эшикларни очади ва нифоқни йўқотади. Ривоятларда ҳам айтилишича, бир одам одамхўр дев ҳузурига кириб қолганда: «Ассалому алайкум» деган экан, дев саломга алик олиб: «Қарз саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим, тила тилагингни», деган экан.

Ассалому алайкум инсонлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни, самимийликни мустаҳкамлайди. Бу мўътабар сўз «Сизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, омонлик тилайман» деган маънони билдириши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, саломимизни ҳеч бир кишидан дариғ тутмайлик. Айни пайтда саломлашишда ташаббускор бўлайлик. «Мени лавозимим, мавқеим, илмим, борлиғим улуғ, менга салом бериши керак», деган худбин тушунчадан нафратланиш керак. Ким олдин салом берса ютуқ ва сухандонлик ўша одамда бўлади.

Халқимизда «Дилдаги сўз тилга чиқади», деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Айниқса, шифокорларга, тарбиячиларга, ота-оналарга бу хислатлар сув билан ҳаводек зарур. Чунки шифокор беморга ёқимли муомаласи буюрган дориси билан биргалашиб ижобий таъсир қилади. Тарбиячилар билан ота-оналар ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига, миллий урф-одатларимизни қадрлайдиган ва уни давом эттирадиган инсонларни етиштириш масъулияти борлигини унутмасликлари керак. Мен яшаб турган «Шарқ» мавзесини «Катта Қаъни» маҳалласида ўттиз беш йилдан бери инсонлар саломатлиги учун саъйи-ҳаракат қилиб, эл эъзозига сазовор бўлган фидойи шифокор Суннатбек Давронбековни ҳамма чин қалбдан, дилдан ҳурматлайди. Чунки шифокор қалби оқ, қўли пок, ширинсухан, ўта камтарин инсон. Туну куннинг истаган вақтида одамлар хизматига ҳеч бир миннатсиз тайёр туради. Жамоа уни: «Маҳалламизнинг луқмони ҳакими» деб фахрланишади. Шундай фидойи хизматлари учун «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси» деган шарафли нишонга сазовор бўлган.

Ҳаёт тажрибамиздан маълумки, одамлар билан самимий, ширинсухан муносабатда бўлсак, ҳаётимиз сермазмун, тотли бўлиб, руҳимиз-у, кайфиятимиз тетик бўлади. Иш унуми баракали бўлиб, мўлкўлчилик бунёд этилади. Айниқса, жамиятимизнинг ҳозирги иқтисодий инқирозли ҳолатидан чиқиб, ҳақиқий ҳаёт йўлига тушиб равнақ топишига ўз улушимизни қўшган бўламиз. Шу каби инсонийликларни бажариш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир.

Жамиятимиз орасида ўралашиб юрган, қайта қуриш муҳолифлари — экстремист унсурларнинг айёрона «ширин» сўзларига ишонмайлик, улардан халқ оммасини эҳтиётлайлик. Одамнинг сўзи ўзининг дўсти ҳам, душмани ҳамдир. Ҳикоят қилишларича, қадим замонда бир юрт подшоси тушида ўттиз иккита тишидан ўттиз биттаси суғирилиб, биттаси қолган эмиш. Шоҳ сапчиб ўрнидан туриб туш таъбирчисини ҳузурига келтириб, кўрган тушини баён қилиб, унинг тафсилотини сўрабди. Таъбирчи шундай жавоб берибди: «Шоҳим, ҳамма болачақангиз, қариндошларингиз ўлиб, битта ўзингиз яшар экансиз», дебди. Шоҳ бу гапдан ғазабланиб таъбирчини зиндонга буюрибди.

Бошқа таъбирчини келтириб, ҳеч нарса бўлмагандек, кўрган тушининг таъбирини сўраганда: «Шоҳим, ҳамма хешақробаларингиз ичида энг умри боқийси, узоқ яшайдигани сиз экансиз», деб таъбир қилибди. Шоҳ бундай ёқимли суханликдан хурсанд бўлиб, таъбирчи учун зиёфат, совғалар бериб саройдан кузатган экан. Қарангки, бир хил мазмундаги сўзни икки хил ишлатишдаги тақдирлар, иккинчи таъбирчи сўзини ниҳоятда заргарона, наққошона ишлатиб қанча ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди.

Хулоса шуки, биз бир-биримиз билан ҳамма жойда — уйдами, ишхонадами, ўқув юртидами, жамоат орасидами, йиғинлардами, тўй-маъракалардами ширин суханликни, сухандонликни, тадбиркорликни дилда ҳам, тилда ҳам маҳкам тутайлик, азизлар.

Ахборхон ҲАЙДАРОВ,
229-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.



⊙ ЁШ АВЛОД — жамиятимизнинг ёрқин келажаги. Етук инсонларни тарбиялаб вояга етказиш шарафли касб эгалари — ўқитувчилар зиммасига юклатилган. Шаҳримиздаги 230-ўрта мактабда ёш авлодга таълим бераётган Гулнора Носирова меҳрини болаларга бахшида этган, ўз фанини чуқур билган коммунист ўқитувчилардан бири, у дарс ўтишдаги маҳорати учун Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланган.

СУРАТДА: Гулнора Носирова ёш ўқувчилари билан дилдан суҳбатлашмоқда.

Р. Альбеков сурати.

Дил сўзлари

«Сиз»лаб гапириш

ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ўзгаришлар туфайли халқимизнинг энг яхши, ибрат олса арзигулик одатлари қайтиб келмоқда. Ахлоқ-одоб хусусида жуда яхши гаплар бўляпти. Бу нарсалар ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мен яна бир одатимиз ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Ўтмишда ўтган маърифатпарвар устозларимиз Алишер Навоий, Лутфий, Ибн Сино, Беруний каби алломалар тўғрисида гапирганларида ҳурматлаб, фақат сизлар эдилар. Жумладан, машҳур қошғарийшунос Солиҳ Муталлибов Алишер Навоий ҳақида гапирганларида, фақат «сиз»лардилар, ҳеч маҳал шоир ундай дейди, шоир бундай дейди, деб гапирмас эдилар. Шоир номини тилга оладиган бўлсалар, албатта ҳурмат-эҳтиром маъносидаги ҳазрат сўзини қўшиб: «Навоий ҳазратлари шундай деганлар», деб тушунтирардилар.

Юксак инсоний хусусиятларга эга бўлган бундай муносабатлар бир-биримизга меҳр-оқибатни, меҳр-шафқатни оширади. Халқимиз «Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади», деб бежиз айтмаган. Шундай экан ҳурмат-иззат юзасидан «сиз»лаб сўзлаш яхши одат, яхши анъанамиз бўлиб қолсин.

Ҳамида УМАРОВА.

МАЛОҲАТ ҲАҚИДА

⊙ Латофат — гўзалликнинг пардозидир.
⊙ Малоҳат — гулдек нафис ва гулдек ранго-ранг.
⊙ Латофат, малоҳат ва назокат — камолотнинг фарзандларидурлар.
⊙ Малоҳат — ҳуснга ҳусн қўшади.
⊙ Малоҳат — ҳаё ёнида посбон.
⊙ Умр — латофату малоҳат билан ширин.
⊙ Малоҳатли бўлиш — бахтдан нишона.
⊙ Малоҳатнинг хунуги бўлмайди.
⊙ Камтардан малоҳат ёғилиб туради.
⊙ Муҳаббат аёлнинг ҳуснига эмас, малоҳатига қарайди.
⊙ Гўзаллик дарвозасининг калити — латофатда.
⊙ Малоҳат — мулоқотга файз сепади.
⊙ Камолотли одам билан мулоқотда бўлиш — ҳузур.
⊙ Қўшнининг малоҳатидан ҳурмат туғилади.
⊙ Бети қаттиқ — малоҳатга бегона.
⊙ Аёл — малоҳати билан гўзал.
⊙ Малоҳатдор суҳбатдан ҳурмат уфуриб туради.
⊙ Келиннинг малоҳати — муҳитни безайди.
⊙ Келинчак таъзими — малоҳат ва назокат маҳсулидир.

Матлуба УЛУҒОВА,
кекса ўқитувчи.

ЯХШИ ВА ЁМОН

Яхшиларга ғам-андуҳ ҳар доим ҳамроҳ,
Тез-тез чалиб тураркан турли касаллик:
Сабаб, булар серташвиш, бўладилар гоҳ
Дўстлар чироғига ёғ, гоҳида пилик.
Емонга дард юқмас ҳеч, яшар роҳатда,
Унга дардинг айтсанг-чи, кулади сендан.
Ўрмонга ўт кетса, ҳам, тап тортмай ҳатто,
Оламни сув босса дер: «Не кетди мендан?!»
Қиссадан ҳисса шулким: гапнинг қисқаси,
Яхши қанча кўп бўлса, булар шунча оз.
Емон зотнинг биттаси, «яхши» нусхаси,
Бир ўлкага ортиқча, бўлмаса-чи, соз!!

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ.

КИМГА НИМА АЗИЗ?

Ҳикоят

Бир доно ҳакимнинг ақли зукко, одоб-ахлоқда камоли баланд шогирди бор эди. У хонадонида саксондан ошган онажониси ва асранди етим укаси билан яшар эди. Бир куни ҳаким зукко шогирдини қаршисига ўтказиб, савол-жавоб билан унинг дунёқарашини имтиҳон қилди.

— Эй, азиз фарзандим, менинг тарбиямда ўсиб-улғайдинг, ҳаётнинг паст-баландини кўриб камол топдинг... Энди сендан бир нарсани сўрамоқчиман.

— Вужудим билан тинглайман, устод, сўранг.

— Дунёда энг азиз, энг мўътабар, энг мукаррам деб нимани биласан? Ҳаётингда нималарга қаттиқ эътиқод қўйгансан?

Шогирд бир зум ўйланиб, шундай жавоб қилди:

— Дунёда башарият қуёшини, онамнинг саксон ёшини, етимнинг кўз ёшини энг мўътабар деб биламан.

— Бу гапингнинг таърифи қандай бўлади?

— Башарият қуёши — бу инсонларнинг устози бўлган доно устозлар, саксон ёшли она — бу, фарзандига қарам, мушфиқ инсон, уни эъзозлаш керак, етим кўз ёши — бу, етти дарёни қуритади, унинг ҳақига хиёнат қилмай, ўкситмай камол топтириш керак.

— Балли, зукко ўғлим, — деди доно ҳаким шогирдига. — Ҳаётга, одамларга шундай эътиқод билан қарасанг бир умр бахт-саодат топасан.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ҚАЛБ ГАВҲАРИ

ТУНОВ кунги дилхираликка Зокиржоннинг эҳтиётсизлиги сабаб бўлди. Дераза ойнасининг кўзи чил-чил синди. Ҳовлида ёлғиз ўзи эди. Ишдан келган ойиси эндигина ичкари уйга кириб, уст-бошини алмаштириб ҳам улгурмасидан шу ҳодиса рўй берди. Бола бир кўзи онаси кирган уйда, икки қўллаб синиқларни шошганича теришга тушди. Кўнглининг бир четида нимадандир ҳадиксираш сезилиб турарди.

«— Ишқилиб, билиб қолмасалар эди», — Зокиржон ўзи билан ўзи гаплашаётгандай эди, ҳали йиғиштиришга улгурмасдан эшикнинг бир табақаси қарсиллаб очилди-ю, остонада Ҳалима опа пайдо бўлди.

Зокиржоннинг ранги қув ўчиб кетди. Нима қиларини билмай қолди. Ёшлигидан шунақа одати бор. Айбли иш қилиб қўйса ўзини оқлаш учун баҳона қидирмай, икки юзи қип-қизариб тураверади. Ўғлининг бу ҳолати Ҳалиманинг жаҳлига ёғ сепгандай бўлди:

— Ҳа, ойнани синдирган қўлларинг синсин. Жувонмарг!

Зокиржон ўша тахлит миқ этмай қолди. Қулоғи ҳеч нарсани эшитмас, онаси эса боягидай бўралаб қарғарди.

Биламан, мана Зокиржон ўн еттига тўлаяптики, уйда онаси бўлса тургиси келмайди. Нимадандир кўнгли тўлмаган Ҳалима ўз туққан болаларини ножоиз сўзлар билан ҳуда-беҳуда койигани койиган. Шунданми, эсини таниб қолган болалари ҳам иложи борича шарпасиз юришга одатланишган. Лекин, бир-биридан одобли, каттанинг гапини икки қилишмайди. Шунга қарамай, ҳовли узра Ҳалиманинг овози чақмоқ чақинидай садо бераверади:

— Ҳов, Салима, ҳа номинг ўчгур! Қаерда юрибсан?

Эндигина уй вазифасини бажаришга ўтирган қизгина довдираб қолади.

Мана шу тарзда аста-секин қош ҳам қораяди. Болалар эса кўча пойлайдилар. Соат миллари кечки 6 дан анча ўтганини кўрсатиб турибди. Ҳадемай, Акрамжон ака ишдан қайтади. Ана ўшанда уйлари бир олам севинчга тўлади:

— Дада, чарчамай келдингизми?
— Келинг, қўлингизга сув қуяй.

Болалар бирин-кетин оталарини қуршаб, ичкарига кирадилар. Шу онларда Ҳалима ёлғизланиб қолади. Бундан янада асабийлашади. Лекин, алами ичида. Ғижиниб қўяди, холос. Негадир, фарзандларининг эркин юришларини ёқтирмайди. Гап-сўзлари ҳам дағал, юракка санчилгандек ботади.

Турмуш ўртоғи эса бунинг акси. Ишда, муомалада намуна олса арзигудек. Болалар ҳам кўпроқ отасига тортган.

Бу уйда ҳамма нарса етарли. Енгил машина, рангли «ойнаи жаҳон», уйнинг анвойи жиҳозлари. Акрамжон ака ҳар йили меҳнат отпускасини бекор ўтказмайди. Бир сафар Қора денгиз соҳили, кейин Москва каби марказий шаҳарлар бўйлаб сафар қилиш. Қисқаси, қаёққа кўл узатишса етади. Лекин, эр-хотиннинг бир-бирларига бўлган муносабатларида илиқлик йўқ. Самимийлик етишмайди. Бир вақтлар эшитгандим. Акрамжон олий ўқув юртида ўқиган кезлари синфдош қиз билан аҳд-паймон қилиб юрган. Бироқ, ота-она майлига кўра уйланиб, орзулари ушалмай қолган. Сабаби шуми ёки бошқами, ҳар қалай, орадан узоқ йиллар ўтса ҳам қалбларидаги муз қатлами кўчгани йўқ.

Маҳалладагилар ҳам кўп нарсадан хабардор. Ҳалиманинг дийдиёлари эшитилмай қолса: «Ҳа, Акрамжон уйда экан», дейишади.

Ҳаётда баъзилар бир умр яхши яшаш учун кеча-кундуз тиним билмайдилар. Шунга яраша барака ҳам бўлади. Ишда ҳам, уйда ҳам чарчоқ билинмайди. Бунинг боиси ўша оиладагиларнинг бир-бирига меҳр-оқибати борлигидадир.

Яна шундай тоифалар учрайдики, эр хотинининг, у эса эрининг қанча маош олишини билмайди. Бунга қизиқишмайди ҳам. Ўзлари замонавий кийинган ҳолда, болалари юпун юради. Уларнинг ўзлаштириши қандай, хулқи қанақа, сира суриштиришмайди, мактабга йиллаб келмайдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган инсонийлик бурчларимизни унутиб юбормаслигимиз керак. Юқоридаги воқеа мисол ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат каби маънавий сарчашмаларимиздан маҳрум, кўринмас ғов янглиғ — мешчанлик, молдунёга ортиқча ружу қўйишдек ярамас иллатларни кўпайтирмаётганмиканмиз?

Бахтиёр ҚЎШМОНОВ,

Наманган районидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Суратли ахборот

ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА







⊙ Шаҳримизнинг Собир Раҳимов райони ҳудудида жойлашган Талабалар шаҳарчаси киши кўзини қувнатадиган даражада тобора ўзгариб бормоқда. Бу ерда олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлар учун қулай шарт-шароитларни яратишга катта аҳамият берилмоқда. Чиндан ҳам ёзнинг шундай жазирама кунларида ушбу суратда тасвирланганидек сўлим бир гўшада музқаймоқ ейишга ёки бўлмаса аччиқ қилиб дамланган чой ичишга нима етсин!

Саломатликни мустаҳкамлайман деган, кайфиятим доимо яхши бўлсин деган киши теннис ўйнаши мумкин. Бу ердаги теннисхонада спорт шайдолари учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Бу гапларни айтишимиздан мурод шуки куни-кеча Талабалар шаҳарчасида ушбу суратда кўриб турганингиздек янги қаҳвахона ва чойхона ўзининг дастлабки мижозларини қабул қилди. Эрталаб соат саккиздан кеч соат йигирмагача хизмат кўрсатаётган бу маиший хизмат шохобчалари ишидан талабалар айниқса хурсанд бўлмоқдалар.

СУРАТДА: Талабалар шаҳарчасида фойдаланишга топширилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчасида.

Р. Шарипов суратлари.

Турфа олам

⊙ Океан енгилтак одамларни аяб ўтирмайди. Тез ёрдам машинасининг ҳайдовчиси Артур Расселл мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Канадалик бу йигит ўзи ясаган эшкакли қайиққа Атлантика океанини ёлғиз кесиб ўтишга аҳд қилди. У икки йил мобайнида ўз уйи ҳоналаридан бирида ўрнатилган эшкакли тренажерда машқ қилди.

«Океанни кечиб ўтиш» натижаси қандай бўлиши олдиндан маълум эди. Галифаксда қайиққа ўтириб, олти соат сузганидан кейин Расселл совуқ шамолга ва баландлиги 4,5 метр келадиган тўлқинларга дуч келди. У сигнал ракеталари ота бошлади ва радиопередачикдан фойдаланиб, ёрдам сўради. Бироқ соҳил муҳофазаси катерлари «моҳир» денгизчини топгунларича роса изғишди, чунки Расселл ўзининг қаерда турганлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

«Югура бошлашдан олдин юришни ўрганиб олиш керак, деган ҳикматли гап бу ҳолатга жуда мос келади», — деб таъкидлади Расселлнинг ҳалоскорларидан бири. Гап шундаки, канадалик бу йигит денгизда атиги бир марта бўлган, шунда ҳам соҳил бўйидаги паромда айланган.

* * *

Италия пойтахти авиалинияларининг диспетчерлари 8 июнь куни бошланадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати очилиши олдидан иш ташламасликка қарор қилишди.

Улар мамлакат транспорт ва граждан авиацияси министри Карло Бернини бундай «қизғин» паллада норозилик иш ташлаши ўтказишдан воз кечишни сўраб мурожаат қилганидан кейин, шундай қарорга келдилар. Иш ташлашни ишқибозлар ва сайёҳлар оқими энг кўпайган вақтда ўтказиш режалаштирилган эди.

Бироқ Италия маъмурлари бир муаммони ҳал қилишга улгурмаслариданоқ янгисига дуч келдилар. «Алисадра эйрлайн» авиакомпанияси учувчиларининг ярмиси аъзо бўлган касаба уюшмаси Сардиния оролига қатнашни ҳар куни уч соатга тўхтатиб туришга қарор қилгани тўғрисида эълон қилди. Бу оролда эса 8 июндан 13 июнга қадар кичик группадаги ўйинлар бўлиши бунда Буюк Британия, Ирландия ва Нидерландия терма командалари чиқиши керак.

* * *

«Инсон вақтни кашф этди, «Сэйко» соати эса уни такомиллаштирди» — дейилади Япониядаги бутун жаҳонга машҳур соатсозлик фирмасининг маҳаллий газеталарда мунтазам пайдо бўлиб турувчи рекламасида. Балки, кимлардир бу ҳикматнинг тўғрилигига шубҳа билан қарар, бироқ япониялик соатсозларнинг ўз маҳсулотларини иложи борича мукаммалроқ ва истеъмолчиларнинг хилма-хил талабларига жавоб берадиган қилиб тайёрлашга доимий интилишлари — ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқатдир.

Японияда сотила бошлаган кўл соатлари бунинг сўнгги далилидир. «Торэй» компанияси ёзги мавсумни шу соатларни чиқариш билан бошлади. Бу соатларда вақтни кўрсатадиган миллардан ташқари қуёшдан таралаётган ультрабинафша нурларининг жадаллик даражасини ўлчайдиган асбоб бор, ўзига хос овоз сигнали эса соат эгасини у қуёшда етарлича тобланганидан ва агар соатнинг «маслаҳат»ига қулоқ солмаса, териси куйиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Соатнинг нархи — 12.000 иен (тахминан 80 доллар). Бироқ шундай соатнинг бахтли эгаси ортиқча тобланиш натижасида куйган терини даволаш учун дори-дармонлар сотиб олишга пул сарфламаслиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу сира қиммат эмас.

* * *

Мексика шу йил мобайнида автомобиль ишлаб чиқариш бўйича Лотин Америкасида биринчи ўринга чиқиб олиш ҳамда саноатнинг мазкур соҳасида Лотин Америкасида доим пешқадамлик қилиб келган Бразилиядан ҳам ўзиб кетиш учун реал имкониятга эга, деб хабар берди Нотимекс агентлиги.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Бразилия автомобилсозлик заводларида маҳсулот ишлаб чиқариш 40 фоиздан зиёдроқ камайди, айни пайтда Мексика енгил ва юк машиналарини ишлаб чиқаришни 11 фоиз кўпайтирди. Мутахассислар Мексика автомобиль саноатининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганини ҳамда яхшигина рақобатлашиш қобилиятига эга бўлаётганини таъкидламоқдалар, ҳолбуки бу мамлакат 1986 йилда Бразилияга нисбатан тўрт баравар кам автомобиль ишлаб чиқарарди. Бу йил Мексика қарийб 500 минг автомобиль ишлаб чиқариши кутиляпти. Булар асосан енгил машиналар бўлади.

Фельетон

«ПАШША!— ЯША!»



ДУНЁДА иккита ёмон махлуқ бўлса, бири пашшадир. Пашша ҳақида гап кетганда, бенхтиёр «Шурикнинг янги саргузаштлари» фильми ёдга тушади. Танбал (артист А. Смирнов) ухлаб ётганда уни пашша талайди. Пашшани ҳайдаш баҳонасида Шурик унинг башарасига газета тахлами билан туширади. У туриб Шурикка ташланмоқчи бўлади. У шунда ҳавода учиб юрган пашшага ишора қилиб: — Пашша! — дейди. Танбал эса: — Яша! — дейди. Гарчи бу кулгили бир ҳолдек туюлса-да, унинг замирида аччиқ ҳақиқат бор. Демак, хира пашша зарарли, касал тарқатувчи инфлос махлуқ.

Айтишларича, от йилида пашша кўп бўлармиш. Лекин шундай экан деб, оғизни очиб ўтираверишам ярамайди. Ҳозир шаҳарни пашша билан чивин босиб кетди. Бунга шаҳар ҳуснига доғ бўлиб ётган ахлатхоналар, кўлмак сувлар, чиқитлар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

— Пашша бор-йўғи бир ой яшайди, — дейди шаҳар санитария-эпидемиология станция врачи, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси У. Шорихсиев. — Бироқ ана шу ахлатхоналарга бу даврда 5—6 марта тухум қўйишга улгуради. 5 апрелдан 1 сентябргача бир жуфт пашшанинг авлоди шу қадар кўпаядики, буни тасаввур қилиш учун пашшаларни бирин-кетин тизиб чиқсак, 2 миллиард 500 миллион километрга чўзилади. Ердан Қуёшгача бўлган масофадан 18 марта ёки тахминан Ердан жуда олисдаги Уран планетасигача бўлган масофага тингдир.

дир. У ўзининг инфлос оёқчалари билан озиқ-овқатларни шикастлайди, ахлатхоналардан ўз қаноти, оёқлари билан юқумли касаллик тарқатувчи микробларни ташиб, касаллик тарқатувчи асосий воситага айланади. Жумладан, юқумли ичак касалликларини, шунингдек гижжа тухумларини, полиомиелит вирусларини, сил, кўз конъюктиви ва бошқа бир қатор касалликларнинг тарқалишига сабабчи бўлади. «Ашир, топганини ташир» деганларидек, пашша ҳам шу...

— Бу нима бало, — дейди Чилонзор районининг Олмазор даҳасида истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимиз Р. Каримова билан С. Ҳакимов юзкўзига кўнган пашшаларни қўллари билан ҳайдашаркан. — Ҳамма бало мана шу 10, 11, 15/2-уйларнинг олдидаги чиқитларни ўз вақтида олиб кетмасликда. Айни кун иссиқ пайтида ахлатларнинг бижғиб аниқётган қўланса ҳидидан қадар кўпаймасди. Ҳа, айланай, така бўлса ҳам, сут берсин экан...

Қизиғи шундаки, Шифокорлар, яъни саломатлик посбонлари яшайдиган мавзени пашшалар ишғол этибди. Оғиз очтирмайди. Айниқса 10, 13, 16-уйларда, Себзор ва «Марказ 17/18» даҳаларидаги ахлат ва овқат қолдиқларининг вақтида олиб кетилмаслиги сабабли пашша тугул каламушлар ҳам ертўлаларга сиғмай хонама-хона пойга ўйнаб юришибди.

Бундан ташқари Фрунзе районидаги Дубицкий кўчасининг 41-уйи атрофида, Чилонзор районидаги 536-болалар боғчаси олдида, «Гулистон», «2-Алгоритм» даҳаларининг 42 ва 43-уйлари ўртасида, Юнусобод даҳасининг II кварталидаги 47-уй, 9-кварталдаги 101-болалар боғчаси олдида ана шундай ҳолни кўриш мумкин.

Халқда «Дард филни пашшадек қилар» деган нақл бор. Чунки бу ердаги ахлатлар ҳафтасига бир марта олиб кетиларкан. Аммо идишлар остидаги балчиқ қолиб, том маънодаги «пашшалар туғруқхона»сига айланиб қоларкан.

Ҳаммамизга маълумки, турар жой даҳалари, болалар боғчалари, умумий овқатланиш муассасалари, касалхоналарнинг бинолари озиқ-овқат қолдиқлари учун контейнерлар мавжуд. Бундан мақсад — озиқ-овқат қолдиқлари чўчқачилик комплекси учун ўз вақтида олиб кетилиши керак. Лекин... Қолаверса уй ва маҳалла комитетлари, санитария милицияси, дизенфекторлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўзимиз ва болаларимиз соғлиғи билан боғлиқ бўлган бу муҳим масалага етарли эътибор беришмаяпти. Биз шу масала юзасидан шаҳар дизенфекцияси бошқармасига мурожаат қилдик. Уларнинг айтишича, дорилар сепиб кетилаверади. Лекин нафи бўлмайди. Сабаби, термометр симоб устуни 31 — 36 даражани кўрсатиб турган бир пайтда 30—40 минут ўтмасдан дорилар қуриб, ўз хусусиятини йўқотар экан. Дориларнинг миқдори ошириб юборилса болалар ва қарияларда аллергия касаллигини келтириб чиқариш мумкин эмиш. Ана кўряпсизми? Яна иш «Автодормехбаза»га келиб тақаляпти.

Хўш, бу ерда аҳвол қандай? Шаҳримизда бир кунда 3 минг 200 тонна ахлат тўпланар экан. Бу уюмларни «Автодормехбаза»нинг 744 та машинаси ташиб кетиши лозим. Бироқ бу техниканинг 158 таси доимий ишга яроқсиз. Шунингдек, ремонт қилишга етарли шароит, эҳтиёт қисмлар етишмаслигидан ҳар куни 100 тага яқин машина гаражда «мудрайди». Мутасадди ўртоқларнинг айтишича, яна 833 та ана шундай нотисослашган автомашиналар бўлса ҳамма иш «беш» бўлар эмиш. Ҳозир эса минг афсуски «Автодормехбаза» ҳўжаликлари бундай имкониятлардан маҳрум. Ишлар эса зўрға «уч».

«Ишлайдиган одам имконият қидиради, ишламайдиган баҳона», дейдилар. Қаловини топса қор ҳам ёнади. «Кир ювгандан супурги ҳам қўрқади», дейдилар. Бас, шундай экан юқоридаги ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат ишласалар туман бойлик бўлади. Хўш, қачонгача халқ: «— Пашша!» деса, мутасаддилар — «Яша!» дейдилар?

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Дилмурод ОБЛАЕВ.

СУРАТДА: Қорақамиш даҳасидаги «пашшалар туғруқхона»сидан бирининг кўриниши.
И. Шербеков сурати.

Ҳодиса

Яхшиямки мина портламади

ШУ ЙИЛ 17 май қечқурун соат еттида номаълум шахс Бектемир район ошхоналар трестининг Оҳунбобоев кўчасида жойлашган пивохонасига кириб, унинг соҳибидан минг сўм талаб қилади, акс ҳолда қўлидаги жанговар мина билан бинонинг кулини кўкка совуришини айтиб дўқ-пўписа қилади. Таҳдидчининг талаби қондирилади, аммо у орқасидан кўп одамлар назорат қилиб бораётганини сезиб, шу атрофдаги техника ашёларини уйғунлаштириш бошқармасининг биносига яширинади. Шу ерда туриб у телефон орқали район ички ишлар бўлими бошлиғи билан учраштиришни талаб этади.

Милиция оператив ходимлари В. Қубатов ва Х. Ёқубовлар уни зўрға кўндириб, ички ишлар бўлими бошлиғи Н. Тожибоев ҳонасига келтиришади. Бу ерда район прокурори З. Убайдуллаев ҳам бор эди. Жиноятчининг бармоғи катта портлаш кучига эга бўлган мина ҳалқасида бўлгани учун бошлиқлар жуда эҳтиёткорлик билан мулоқот олиб боришади. Майор Н. Тожибоевнинг топқирлиги туфайли жиноятчи бир дақиқагагина ҳалқани қўйиб юборди, уни қуролсизлантириш учун шу дамнинг ўзи етарли эди.

Жиноятчи шу район фуқароси Александр Михайлович С. бўлиб чиқди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Бўлим талаби билан ҳарбий қисмдан чақирилган вакиллар таъбирича, мина икки қаватли шу бинони ер билан тептекис қилиш қудратига эга экан. Аммо унинг қайси қисмдан ўғирланганлиги ҳали номаълум.

К. ИСКАНДАРОВ,
Бектемир район ички ишлар бўлими тергов хизматчининг бошлиғи, милиция майори.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи, автомат станокларда ишловчи оператор.

Юқоридаги касблар бўйича ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Заргарлик, чиннига шакл берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Қалинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

«Главташкентстрой» ҳузуридаги

5, 6, 12, 31, 35, 43-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаган ва Тошкент шаҳрида доимий яшаб турувчи ёшларни

қуйидаги ихтисосликлар бўйича
6 ОЙЛИК ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Монтажчи-пайвандчи, қурилиш дурадгори, ғишт теручи, қолипловчи, бетончи, электр пайвандчи, бўёқчи-сувақчи.

Ўқиш — группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқишни тамомлагандан кейин билим юртларини тугатган ўқувчилар «Главташкентстрой»нинг қурилиш бўлималарида ишлайдилар.

Тошкент шаҳрида камида 3 йил мобайнида яшаб турган кишилар уй-жой олиш учун навбатга ёзилишлари мумкин.

Бошқарманинг айрим бўлинмалари имтиёзли шартномалар шартларига кўра уй-жой билан таъминлашни амалга оширадилар.

Хоҳловчилар қурилишларда ишлаш билан бирга Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг кечки бўлимларида ва техникумларда ўқишлари мумкин.

БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛЛАР:

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ (5-ПТУ) — Ленин ноҳияси, Астрахань кўчаси 10-уй.

6-ПТУ — Куйбишев ноҳияси, Луначарский бош кўчаси, 69-уй.

12-ПТУ — А. Икромов ноҳияси, Чилонзор даҳаси, 26-квартал, Забаш кўчаси, 1-уй.

31-ПТУ — Октябрь ноҳияси, Қора тош кўчаси, 40-уй.

35-ПТУ — Чилонзор ноҳияси, Дўмбиробод кўчаси, 74-уй.

43-ПТУ — Киров ноҳияси, Юнусобод даҳаси, А-1.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин — 33-51-80, 39-19-57, 45-46-58.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар И. Ганди номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахоналаридан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан таъминланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги
39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), ишдан жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

Сергели район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 10-туғруқхонага берилган 50821-сериядаги 032834 дан 032852 гача номерлардаги меҳнатга лаёқатсизлик тўғрисидаги йўқолган
ТОЗА БЛАНКАЛАР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

«Узгрострой»
1-РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТИ (РСМТ) нинг
490-ҲУЖАЛИКЛАРАРО КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИ
ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 75-уй.

ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИНИ СОТИБ ОЛИШГА ТАЛАБГОР БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича
ТОШКЕНТ ТАЖРИБА ЗАВОДИ
тайёрловчи-заводлар билан тузилган шартномага мувофиқ СМ 1700, СМ 1420 ҳисоблаш комплексларини етказиб беришни ва улар асосида автоматлашган иш жойларини (АРМ)
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Программа билан таъминлашни ҳам етказиб бериш мумкин.

Завод, Вильнюсдаги «Сигма» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўрта Осиё ва Қозоғистондаги база сервис корхонаси сифатида Сизнинг корхона харид қилган техникани ишга туширади ва фирма ҳизмати кўрсатади.

Қўшимча ахборот ва консультация олиш учун 72-00-77, 72-00-78 телефонлари бўйича мурожаат қилинсин.

Буюртмалар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700156, Тошкент шаҳри, Сегизбоев кўчаси, 1-уй.
ТЕЛЕТАЙП 116184 ГАММА.

СССР Алоқа вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
Институтга кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган
БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар 14 июндан бошланиб, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Таълим учун 25 сўм тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй, 226-хона.

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАР ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ
ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ «ОБЛРЕМБИТТЕХНИКА» КОРХОНАСИ БАРЧА ТУРДАГИ ЁЗУВ МАШИНКАЛАРИНИ ТУЗАТАДИ
ва МИЖОЗЛАРНИНГ ХОҲИШИГА МУВОФИҚ РУСЧА ШРИФТЛАРНИ ЎЗБЕКЧАЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРАДИ

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 68-84-43, 67-64-48.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI да **Флория Тоска**, 8/VI да **Оққуш кўли**, 9/VI да **Евгений Онегин**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 8/VI да **Муҳаббат навоси**, 9/VI да **Ўзбекистон ССР Халқ артисти Сомб Ҳўжаевнинг хотира кечаси** («Қизиқчи—90» конкурсининг голиблари иштирок этади).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/VI да **Отасининг қизи**, 8/VI да **Кулги ва табассум кечаси**, 9/VI да **Фармонбиби аразлади**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 8/VI да **Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарлари цирки етакчи артистларининг цирк санъати анжумани.**

КИНО

7 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ»» (17, 20.40) «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Нукус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ» (17, 20.40); «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда)

К. Ерматов номли — «ТАЗЙИҚ ОСТИДА» (тоқ соатларда)

Восток — «КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?» (18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

8, 9, 10 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да)

Нукус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (11, 13, 15, 17, 20.40); «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда).

К. Ерматов номли — «ТАЗЙИҚ ОСТИДА» (тоқ соатларда).

Восток — «КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АВАРИЯ» ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

«Ўзбекконцерт»
ДИҚҚАТ!
5 июнь соат 17.00 ва 20.00 да
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
эълон қилинган Ғ. БОЙТОЕВ ва М. ХОЛМЕДОВ иштирокидаги
КОНЦЕРТЛАР 12 ИЮНГА КЎЧИРИЛГАН

Концертлар бошланиш вақти ўзгармаган.

Олинган билетлар яройди.

«Электрогазосветмонтаж» тузатиш қурилиш бошқармасига берилган 848661-сонли чекнинг йўқолган 508722812-сонли
МАХСУС СЧЕТЛИ ЛИМИТЛИ ЧЕК ДАФТАРЧАСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА БАРЧА ҚИЗИҚУВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!

ҲЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ТЕЛЕТРОН» КИНО ВА ВИДЕО БИРЛАШМАСИ
антиқа кино ва видеорекламаларга эҳтиёжи борларнинг буюртмаларини қабул қилади

Бизнинг клип ва фильмларимиз туфайли сиз ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳамда ташкилотингиз ва маҳсулотларингиз жумҳуриятимизда ва жаҳонда маълум ва машҳур бўлишига аминмиз. 10 минут ҳажмидаги фильмлар қиммати қуйидагича:

35 мм ли рангли кинолента 5-16 минут.
16 мм ли рангли кинолента 5-6 минут.
Видеолента баҳоси эса 5-6 минг сўм атрофида.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй, «Ўзбектелефильм» студиясининг «Телетрон» кино бирлашмаси. Телефон 41-98-14.

Тошкент давлат консерваторияси кадрлар бўлимининг йўқолган
МЕТАЛЛ СУРҒУЧЛИ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Технолог» кооперативининг йўқолган
БУРЧАКЛИ ШТАМПИ ВА ДУМАЛОҚ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Пенсиялар ва нафақаларни ҳисоблаб бериш ва тўлаш бўйича Тошкент шаҳар марказининг «1-сонли муомала бўлими» деган ёзувли йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ СУВДА ҚУТҚАРИШ ЖАМИЯТИ

«КВАЗ-3270» маркали 20 ўринли янги автобусини «РАФ», «УАЗ-450» (10 ўринли) автомашиналарига; «Москвич» енгил автомашинасига

АЛМАШТИРАДИ

35-05-43, 35-41-32, 35-68-23 телефонлари бўйича мурожаат қилинсин.

ТЕХНИКА ҲИЗМАТИ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИ ҲУЗУРИДА

аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш участкаси
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ишдан ташқари, бўш вақтда ишлаш учун енгил ва юк машиналарининг эгалари таклиф қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 15-мавзе, Мирзаев кўчаси, 1-уй. Телефон 22-99-46.

«Союзгазкомплект»
БУТУНИТТИФОҚ ТРЕСТИ

25 дона янги РС АТ шахсий компьютерларини 61 минг сўмдан
СОТАДИ

67-77-90 телефони бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

«Узремстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш-технологик тўлдириш бошқармасига берилган йўқолган 185, 186-сонли
ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент трактор заводи турар жой коммунал бўлимининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ҚАУЧУКЛИ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Совпластитал» ҳамкорлик корхонасига берилган 431176 номерли йўқолган
ЛИМИТЛАШТИРИЛГАН ЧЕК ДАФТАРЧАСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Узагропромтехмонтаж» трестининг ҲЎжаликлараро ишлаб чиқариш-технологик комплектация бошқармаси касаба уюшмаси комитетининг йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор район маориф ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси, 162-мактаб жамоаси шу мактабнинг ўқитувчиси С. Аҳмедовага ўғли
МУЗАФФАРнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов район маориф ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси 224-мактаб директори М. Неъматовага умр йўлдоши
Аҳмаджон ЮСУПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти жамоаси лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори О. И. Умаровга акаси
Муҳамад УМАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — («Вечерний Ташкент») — **эрган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**
Р — 04059